

Россиянинг Caviar бренди «iPhone 13 Pro» тўпламини тақдим этди



11:00 / 14.08.2021 1720

Apple келгуси кузда iPhone 13 Pro тақдимотини ўтказди. Ҳозирда Россиянинг Caviar бренди «iPhone 13 Pro» тўпламини тақдим этди. Унинг асосий аудиторияси диний фойдаланувчилардан иборат бўлади.

Компания сайтининг маълум қилишича, модификацияланган смартфонлар учта диннинг бирига мослаштирилган: православ, католик ва ислом дини.

Шу билан бирга, Ватикандаги Санкт-Петербург собори тасвири iPhone модели «St Peter`s Basilica»сида жойлаштирилган. «iPhone13 Pro» нинг орқа томонида мусулмонларнинг асосий зиёратгоҳи бўлган Каъбани кўриш мумкин.

«iPhone 13 Pro» нинг бошланғич нархи 416 минг рубл. Энг қиммат модели 424 минг рублдан бошланади.